

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“САНЪАТШУНОСЛИК (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ

**“САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИКАСИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи:

Санъатшунослик фанлари доктори,
профессор Тожибоева Олтиной Қосимовна

Тақризчилар:

“ Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси профессори, с.ф.д. С.М.Қодирова

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 2019 йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинганд.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГИ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	21
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	33
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	70
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	75
VII. ГЛОССАРИЙ	77
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	82

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини;
- санъатшунослик фанларининг назарий асосларини;
- санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидағи ўрни;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда инновацион технологияларни;
- санъатларнинг ўзаро интеграциясини;
- санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни;
- арт менежментнинг назарий ва амалий асосларини;
- арт менежментнинг функциялари ва тамойилларини **билиши** лозим.

Тингловчи:

- **санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;**
- санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш;
- инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- санъат соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш;
- санъатшунослик соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштириш ҳамда дарс жараёнларига сингдириш;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ва ечимини аниқлаш;
- санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- санъатшунослик фанларига инновацион технологияларни жорий қилиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- санъатшунослик фанларининг методик таъминотини яратиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- санъатшунослик соҳасида машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- санъатшунослик йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- санъатшуносликда илмий-тадқиқот методологиясини ривожлантириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақллий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Санъатшунослик” (турлари бўйича) йўналиши модули мазмуни ўқув режадаги “Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялар”, “Таълим тизимида Режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари”, “Санъат тарихи ва назарияси”, “Тасвирий ва амалий санъат тарихи”, “Жаҳон ва Ўзбек театр тарихи”, “Кино тв ва радио тарихи”, “Хореография ва рақс санъати” анъанавий ва замонавий услублар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласди

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Санъатшуносликнинг замонавий тенденцияларнинг янги ғоялари устида ишлаш; Санъатшуносликда илмий таҳлил этиш: Санъатшуносликни ривожлантириш ва такомиллаштириш компетенцияларига эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот жумладан
1.	Санъатшунослик фанлари ўқитилишининг методологик масалалари			2	
2.	Машғулот турлари, шакллари. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси.			2	
3.	Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш.				2
4.	Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.				2
5.	Санъатшунослик анъаналари ва етакчи тенденцияларини ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти				2
Жами: 10			10	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Санъатшунослик фанлари ўқитилишининг методологик масалалари (2 соат)

Санъатшунослик фанлари ўқитилишининг мақсад ва вазифалари. Санъатшуносликнинг маънавият, тарих, фалсафа, маданиятшунослик фанлари билан ўзаро боғлиқлиги. Санъатшунослик методологиясидаги концептуал ўзгаришларнинг ўзига хослиги.

Санъатшунослик йўналишларининг шаклланиши ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари. Санъатшуносликда назария ва амалиёт уйғунлиги. Янги педагогик технологиялар асосида санъатшунослик фанининг ўқитилишидаги назарий масалалар.

2-мавзу: Машғулот турлари, шакллари. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси (2 соат)

Дарсни ташкил қилиш. Педагог ва талабанинг вазифалари. Дарс мазмуни, моҳияти ҳамда ўз олдига қўйган мақсадини белгилаш. Технологик харита тушунчаси. Хаританинг мақсади, моҳияти, аҳамияти. Очиқ дарсларни ташкил этиш. Дарс таҳлилини амалга ошириш методикаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот.

Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш (2 соат)

Назарий дарс технологик харитаси борасида тушунчалар. Харита ишлаб чиқишнинг зарурияти. Хаританинг мақсади ва вазифалари. Дарс самарадорлигига алгоритмларни белгилаш. Педагогнинг муайян дарс учун тайёрлаган технологик харитасининг тақдимоти.

2- Амалий машғулот.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбик этиш масалалари (2 соат)

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбик этиш масалалари. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

3- Амалий машғулот.

Санъатшунослик анъаналари ва етакчи тенденцияларини ўқитишида инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти (2 соат)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахс тарбияси масаласининг қўйилиши. Шарқ маданиятида комил инсонни тарбиялаш концепцияси. Санъат ва санъатшуносликнинг педагогик амалиётдаги етакчи предмети. Маънавият – комил инсон тарбиясида етакчи куч сифатида.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Хорижий маҳсус адабиёт таҳлили презентацияси	2.5	1
2.	Мустақил иш (Кейсни ечиш)		1.5

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “CWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

CWOT таҳлил:

C – стренгтҳ (кучли)

W – wэакнесс (зайф)

O – оппортунитиэс (имкониятлар)

T – тхреатенс (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

C	W
O	T

Намуна Санъатшуносликнинг СWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички мухит омиллари	<p>C – кучли томони.</p> <p>1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа.</p> <p>2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар.</p> <p>3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни кўллаш.</p>	<p>W – заиф томонлари</p> <p>1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик).</p> <p>2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетолог)</p>
Ташқи мухит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <p>1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича театрнинг таниқлилик даражаси.</p> <p>2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p>T – хатарлар.</p> <p>1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши.</p> <p>2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.</p>

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;

- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;

- ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;

- Навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Ўзбекистон санъатшунослигининг ўзига хослигини белгилаш					
Фан йўналишлари бўйича		Таълим йўналиши бўйича		Интеграция бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижা (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-bosқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш;

	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хulosса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “театр санъатини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар яъни томошабин таъсир этади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиликнинг тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчиликнинг индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига этгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Санъат маркетинг	ташкилий ва бадиий мақсадларга эришишда истемолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни ўрнатишга йўналтирилган интеграштирилган менежмент	

	жараёни	
Паблик рилейшинз	жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга кўйиш, яъни санъаткор ёки рассом шуҳратини ёйиш учун санъат асари ёки унинг хизматларини тарғиб этиш, реклама қилиш	
Паблисити	мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган тарғиботни олиб бориш	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



Венна-диаграммаси – бу қарама-қарши куйилган 2-3 та аспектларнинг умумий кўринишларининг таққослашдир; -фикрлаш, таққослаш, тузиш, таҳлил ва синтез қилиш тизими ривожланади;

Венна-диаграммаси ташкил қилиш қоидаси билан танишиб чиқадилар. Индивидуал-жуфтликда венна-диаграммасини тузадилар ва кесишмаган айланани тўлдирадилар. (X)

Жуфт булиб бирлашадилар, таққослайдилар ва ўз диаграммаларини тулдирадилар.

Икки ёки учта диаграммалар кесишиган айланага уларнинг умумий куринишларини ройхатини тузадилар ва ёзадилар.

Венн диаграммаси



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишитириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вакт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юкоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўплланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Санъатшунослик фанлари ўқитилишининг методологик масалалари (2 соат)

Санъатшунослик фан йўналишининг ўзига хослиги, мазкур йўналишнинг мақсад ва вазифалари. Санъатшуносликнинг маънавият, тарих, ахлоқшунослик, фалсафа, маданиятшунослик фанлари билан ўзаро боғлиқлиги. Санъатшунослик фанларидаги янгилangan методологиянинг илмий ва амалий аҳамияти.

Режа:

- 1.1. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Ўзбекистонда санъатшунослик фанининг шаклланиш йўли.
- 1.3. Замонавий Ўзбекистон санъатшунослигининг янгилangan методологияси

Таянч иборалар: санъатшунослик, тарихий манба, маънавият, ижтимоий онг, санъат турлари ва воситалари, миллий мафкура, тадқиқот, илмий ёндошув.

1.1. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, мақсади ва вазифалари.

Санъатшунослик фан йўналиши сифатида ўзига хосликка эга эканлиги. Унинг учта асосий тармоғи.

Санъат тарихи, санъат назарияси ва бадиий танқид. Санъатнинг барча турлари, йўналишларини фан нуқтаи назаридан ўрганишда мазкур тармоқларнинг ўзига хослиги.

Санъат тарихи – санъатнинг барча тармоғи ва муайян олинган санъат турининг генезиси, шаклланиш йўли, ривожланиш тамойилларини тизимлаштириш соҳаси сифатида.

Санъат назарияси – тарихий ва фалсафий нуқтаи назардан тўпланган манбалар қонуниятини умумлаштириш, моҳиятини белгилаш, анъана ва тамойиллар мазмунини аниқлаш тизими тарзида.

Бадиий танқид –тафаккур, хиссий идрок, билим, тажрибага асосланиб, санъат асарига бўлган муносабатни ўзида акс эттириш воситаси сифатида. Бадиий танқид санъат мазмун-моҳиятини ўрганиш, хис этиш ва қонуниятларини ишлаб чиқишининг муҳим таянчи, санъатшунослик илмининг умумий қонуниятлари тараққиётiga, амалиётга ҳамда кенг истеъмолчилар (томушабин, тингловчи) аудиториясини тарбиялашга хизмат қилиш тармоғи.

М.Бахтиннинг Ф.М.Достоевский, О.Шарафиддиновнинг Чўлпон ижоди билан боғлиқ тадқиқотлари.

Миллий истиқлол мағкурасининг санъатшунослик олдига қўйган янги назарий масалалари.

Санъатшунослик тарихида синфиийлик, коммунистик ғоявийлик, икки маданиятлар тафовути, социалистик реализм қарашлари. Танқид, таҳлил, тадқиқ.

1.2. Ўзбекистонда санъатшунослик фанининг шаклланиш йўли.

Санъатшуносликнинг қадим илдизлари. Тарихий манбаларда санъатшунослик асослари.

Петроглифлар - санъат тарихини ўрганиш манбаси сифатида.

Тазкиралар, саёҳатномалар, мактуботларда санъат тарихининг ўзига хос ифодаси намоён бўлиши. Мусиқашунослик илдизлари. Томоша санъатларининг тарихий тадқиқотлари. Тасвирий санъатни ўрганишнинг қадим асослари.

Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Чўлпон, Гулом Зафарий, Ҳамид Олимжон асарларида санъат таълими, тадқиқи, бадиий танқид билан боғлиқ қарашлар.

Мамлакатимизда санъатшуносликнинг фан сифатидаги тараққиёти. Илмий тадқиқот институтининг ташкил этилиши. Санъатшунослик фани йўналишларининг шаклланиши.

1.4. Замонавий Ўзбекистон санъатшунослигининг янгиланган методологияси

XX аср Ўзбекистон санъатшунослигининг ўзига хос йўли, тараққиёти, ривожланган анъаналарининг давомийлиги. Миллий истиқлол ва

санъатшунослик методологияси. Янги давр методологиясининг мазмун моҳияти. Миллий анъаналар, қадриятлар, жаҳон фанининг етакчи услубий тамойиллари билан уйғунлик. Янги давр санъатшунослигига ворисийлик масалалари. Санъатнинг янги йўналишлари, воситалари, услубий ўзгаришларининг намоён бўлиши. Ўзбекистон санъатшунослигининг асосчилари ва етакчи олимлари илмий меросининг ўзига хослиги. А. Фитрат, Н.Миронов, И.Бахта, Ф.Зафарий, И.Акбаров, Г.А.Пугаченкова, Е.В.Массон, М.Р.Рахмонов, М.Ҳ.Қодиров, В.Ю.Зоҳидов, Т.С.Визго, Р.Тоқтош, Л.Авдеева, Р.Каримова, Ф.Кароматли илмий мероси. Э.В.Ртвеладзе, А.А.Ҳакимов, Т.Ғофурбеков, О.Иброҳимов тадқиқотларида санъатшуносликнинг етакчи тамойиллари.

Санъат ҳақида тушунча. Санъат – ижтимоий онг шакли, инсониятнинг маънавий бойлиги. Кўп қиррали ва оламни бадиий-эстетик англашнинг ўзига хос воситаси. Яратувчилик, англаш ва баҳолаш хусусиятлари. Эстетик аҳамиятга эга бадиий ижод. Ҳодисалар, характерларни образли англаш. Образ – санъатнинг асосий ифода воситаси. Ижодий саралаш. Типиклаштириш. Умумлаштириш. Булар асосида ижодий ғояни, хис-туйғуларни ифодалаш.

Санъат спецификаси. Бадиий англаш обьекти сифатида. Инсон – шахсий ва ижтимоий манфаатлари бирлиги сифатида. Кишилар, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Санъатнинг яхлитлиги ва кўп қирралиги. Композиция ва шакл. Мазмун ва моҳият.

Санъат функциялари. Асосий функциялар. Ижтимоий. Маърифий. Тарбиявий. Этик. Коммуникатив. Семиотик. Томошавий. Эстетик. Образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Санъатнинг полифункционаллиги.

Санъат турлари. Асосий структуравий-таснифий бирлиги. Театр ва кинода сўз, драматик конфликт ва персонажлар хатти-ҳаракати. Мусиқада овоз ва оҳанг. Хореографияда ҳаракат ва ритмика. Рангтасвирида ранг ва нур; ҳайкалтарошлиқда пластик ечим; графикада чизиқ, штрих, нур ва соя. Амалий санъат ва архитектурада утилитар ва эстетик хусусиятлар комплекси.

Санъат жанрлари. Жанр – санъат тури таркибидаги ички бўлиниши ва нисбатан барқарор, шаклланган хислатларига, ифодавий-тасвирий воситаларга эга экани. Жанрларнинг модификацияси, трансформацияси. Жанрлар. Мавзу бўйича – тарихий, психологик, илмий-фантастик ва бошқа. Ғоявий-эмоциональ хусусиятлари бўйича – лирик, юмористик ва бошқа. Тузилмаси, шакли ва ижро усулига кўра бўлиниши. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижроилиги ва бошқа.

Санъатда синтез. Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шакллари. Синтез структураси, компонентлари. Компонент тушунчаси. Ифода воситаларининг уйғунлашуви. Синтез ва синкрез.

Санъатшуносликда **таҳлил аспектлари**. Тарихий-назарий. Муаммолитаҳлилий. Давр ва макон кесимида. Шаклий-стилистик. Маданий-тарихий. Структуравий-типологик. Методологик. Компаратив.

Санъат тарихини умумий даврлаштириши. Қадимги даврдан XIX аср охирига қадар – бадиий анъаналар, маънавий ва моддий маданият, санъат тарихи. Шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари. XX асрнинг биринчи ярми ва иккинчи ярмининг 90 йиллар бошигача бўлган давр бадиий маданияти, санъати. Мустақиллик даври бадиий маданияти ва санъати тарихий-назарий, методологик, типологик аспектларда.

Бадиий танқидчилик. Адабий фаолият тури. Бадиий асарни таҳлил ва талқин қилиш. Замонавий бадиий ижодда содир бўлаётган жараёнларни умумлаштириши, санъатда етакчилик қилаётган тамойилларни аниқлаши. Холислик. Мулоҳазаларнинг асосланганлиги. Кенг кўламлик. Касбий этика. Бадиий танқидчиликнинг фан ва амалиётдаги роли, ижтимоий ўрни. Бадиий танқид – санъат тарихини юзага келтирувчи восита сифатида.

Бадиий танқид жанрлари ва шакллари. Асосий жанрлар. Мақола. Тақриз. Ижодий портрет. Аннотация. Бадиий танқид шакллари: оғзаки, ёзма. Жонли ва аудиовизуал чиқишилар. Ахборот технологияларнинг ривожланиши ва танқидчиликнинг янги қўриниши.

Бадиий маданият тушунчаси. Маданият ҳақида тушунча. Бадиий маданият – инсоннинг яратувчанлик фаолиятини, ранг-баранг бадиий-ижодий аспектларини қамраб олган мураккаб, кўп қиррали ва ноёб ҳодиса. Санъат асарларини яратиш, тарқатиш, ўзлаштириш бўйича маънавий-амалий фаолият жараёнлари ва ҳодисалари ёки эстетик қадрга эга моддий предметлар мажмуи. Бадиий маданиятнинг структураси. Функциялари. Институциональ имкониятлари. Илмий тармоқлари. Назария. Тарих. Социология. Иқтисодиёт. Бошқарув. Бадиий маданиятни ривожлантирувчи асосий омиллар ва истиқболи ҳақида тушунча.

Санъатда миллийлик ва интеграцион жараёнлар. Санъатда миллийлик ва замонавийлик масалалари. Санъатнинг универсаллиги ва интеграцион хусусиятлари. Миллий идентификация ва глобаллашув. Глокаллашув тушунчаси. Санъатда акультуратив жараёнлар ва кофигуратив тамойиллар.

Санъатда бадиий методлар. Классицизм. Романтизм. Реализм. Маньеризм. Натурализм. Веризм. Символизм. Экспрессионизм. Импрессионизм. Модернизм. Постмодернизм.

Санъатшунослик илмий тадқиқотлари. Санъатшунослик фани ихтисослик йўналишларининг ўзига хослиги. Диссертация мавзусининг танланиши. Диссертация структураси. Илмий концепция тушунчаси. Илмий

адабиётларни ўрганиш. Материаллар билан ишлаш. Илмий аппарат. Илмий ва касбий этика.

2-мавзу: Машғулот турлари, шакллари. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси (2 соат)

Дарсни ташкил қилиш. Педагог ва талабанинг вазифалари. Дарс мазмунни, моҳияти ҳамда ўз олдига қўйган мақсадини белгилаш. Технологик харита тушунчаси. Хаританинг мақсади, моҳияти, аҳамияти. Очиқ дарсларни ташкил этиш. Дарс таҳлилини амалга ошириш методикаси.

Режа:

- 1.Машғулотни ташкиллаштириш. Технологик харита яратишнинг муҳимлиги
2. Очиқ дарсларни ўтказиш ва уларни баҳолаш мезонлари.

2.1. Машғулотни ташкиллаштириш. Технологик харита яратишнинг муҳимлиги

Ҳар қандай педагог дарс жараёнини ташкил қилас экан, аввало унинг самарали бўлиши, талабаларнинг мавзуни тўлик ўзлаштиришини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу сабабли дарсларни ташкил қилишнинг турли хил усулларидан фойдаланилади. Дарс тузилмаси тушунчаси остида машғулотнинг мақсадли кечишини таъминловчи ва унинг турли элементлари орасидаги муносабатларни тавсифловчи фаолият ўза аксини топади.

Дарс олдига қўйилган мақсадларга кўра турлича тузилмаларга эга бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда педагогик амалиётда дарс тузилмаларининг ҳар хил варианлари қўлланилмоқда. Дарс тузилмалари ва технологик хариталар намуна тарзда берилган бўлиб, ҳар бир педагог дарс мавзуси ва мақсадларидан келиб чиқиб, бу жараёнга ижодий ёндошиши мумкин. Биз қўйида янги мавзуни баён қилиш дарс тузилмасини тузишда нималарга аҳамият бериш ва қандай қилиб тузишга мисол келтирамиз:

Янги мавзуни баён этиш дарсининг тузилмаси. Бу жараён қўйидаги қисмлардан иборат бўлади:

1. *Мақсад.* Дарс мақсадини эълон қилиш. Бунда педагог асосий мақсадини белгилайди ва буни дарс бошланишида эълон қиласди.
2. *Мотивация.* Талабаларнинг янги мавзуни ўрганишларини рағбатлантириш яъни мотивация. Бунда педагог қўйилган мақсадни талабалардан қай бири тезроқ ва самаралироқ англаган бўлса, уларни рағбатлантириш усулларини ўйлаб топиши керак.

3. *Баён иўли*. Мавзуга оид янги тушунча ёки ахборотларни маълум бир изчилликда, майда тугал бўлакларга бўлган ҳолда, босқичма-босқич баён этилади.
4. *Эслатма*. Мавзуга оид энг асосий тушунча ва таянч маълумотларга урғу бериш, уларни ажратиб кўрсатиш ҳамда ёдда сақлаб қолиш бўйича кўрсатмалар берилади.
5. *Амалий иши*. Янги мавзу материалларини мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ ўқитувчи томонидан намойиш қилинади. Педагог назорати остида талабалар томонидан бажарилган янги материални мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ бажарилади.
6. *Савол-жавоб*. Талабаларнинг янги материалларни дастлабки ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш. Ўзлаштирилган билимларни такрорлаш асосида янги билим ва кўникмаларни мустақил мустаҳкамлаш. Дарсдаги асосий тушунча ва таянч материалларни амалда қўллаш.
7. *Якун*. Дарс ўқув мақсадларига эришилганини, яъни ўзлаштирилган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш. Дарсга якун ясаш ва мустақил ўзлаштириш учун уйга вазифа бериш.

Замонавий педагогик технологияларга асосланган дарслар маълум бир кетма-кетликда, бир тизим асосида ташкил қилинади. Дарсларни тизимли ташкил қилишда бизга *технологик харита* ёрдам беради. Технологик харита дарсни бир тизимга солиб, уни амалга ошириш босқичларини аниқлаб беради. Технологик харита 4 босқичдан иборат бўлиб, унга тайёрлов, кириш, асосий ва яқуний босқичлар киради. Педагог тайёрлов босқичида дарсга тайёргарлик қўради, яъни дарс мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, таълим методларини, дарс шаклини, баҳолаш мезонлари ва усулларини аниқлайди. Тайёрлов босқичига вақт ажратилмайди, чунки педагог ўз имкониятидан келиб чиқиб, ўзига керагича дарсга тайёргарлик қўриши мумкин. Кириш, асосий ва яқунловчи босқичларда нималарга аҳамият бериш кераклиги қуйидаги технологик харитада ўз аксини топган:

Янги мавзуни баён этиш дарсининг технологик харитаси

Дарс босқичлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Тавсия этиладиган методлар
Тайёрлов	Дарс мақсади, натижаларини белгилайди, технологик харита тузади, таълим методларини, дарс шаклини,		

	баҳолаш мезонлари ва усулларини аниқлайди.		
Кириш	1.дарснинг мақсадини эълон қилиш; 2.ўқувчиларнинг янги мавзуни ўрганишларини рағбатлантириш (мотивация);	Дафтарга қайд этадилар	Оғзаки Ақлий хужум
Асосий	1.мавзуга оид янги тушунча ёки ахборотларни маълум бир изчилиқда, майда тугал бўлакларга бўлган ҳолда, босқичма-босқич баён этиш; 2.мавзуга оид энг асосий тушунча ва таянч маълумотларга урғу бериш, уларни ажратиб кўрсатиш ҳамда ёдда сақлаб қолиш бўйича кўрсатмалар бериш; 3.янги мавзу материалларини мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ педагог томонидан намойиш килинади; 4.педагог назорати остида талабалар томонидан бажарилган янги материални мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ; 5.талабаларнинг янги материалларни дастлабки ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш; 6.ўзлаштирилган билимларни такрорлаш асосида янги билим ва кўнимкаларни мустақил мустаҳкамлаш;	Мухокамада иштирок этадилар Дафтарга қайд этадилар Талабалар машқларни қандай бажарилишини ва кетма-кетлигини кузатиб борадилар Амалий машқ бажарадилар Амалий машқ бажарадилар Бажарилган амалий машқ натижаларини тақдимот	Мунозарали маъруза Ақлий хужум ёки пинборд Кичик гурухларда ишлаш Кичик гурухларда ишлаш Кичик гурухларда ишлаш Баҳс-мунозара Баҳс-мунозара

	7. ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида асосий тушунча ва таянч материаллардан тез-тез фойдаланиш ва амалда қўллаш;	қиладилар Асосий тушунча ва таянч метериалларни амалда қўллаш бўйича мисоллар келтирадилар	
Якуний	Дарс ўқув мақсадларига эришилганини, яъни ўзлаштирилган янги билим ва кўникмаларни баҳолаш; Дарсга якун ясаш ва уйга вазифа бериш.	Баҳолаш мезонларига мувофиқ бир-бирларини баҳолайдилар	Кичик гурухларда ишлаш

2.2. Очиқ дарсларни ўтказиш ва уларни баҳолаш мезонлари

Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда замонавий методларни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитищдаги изчиллик асосларини мустаҳкамлаш методикасини такомиллаштириш, талabalар ўртасида миллий истиқлол ғоялари асосида маънавий - ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш тадбирларини бойитиш энг долзарб масалалардандир.

Олий таълим ўқитувчилари томонидан ташкил этиладиган очиқ дарслар, асосан, қуидаги мақсадларга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- педагогик муомала қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш;
- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқи маданиятини тўғри йўлга қўйиш;
- педагог сўзлашув нутқи маданияти асосларини бойитиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга таъсир кўрсатадиган омилларни такомиллаштириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш;
- иқтидорли талabalарни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини яратиш;

-
- талабаларнинг билим, маҳорат ва қўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий - методик таъминлаш асосларини амалда синаб кўриш;
 - ўқитишининг илғор педагогик технологиялари ва уларни таълимнинг техник ва ахборот воситалари билан биргаликда ўқув жараёнига жорий этиш;
 - глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш.

Юқорида келтирилган мақсадларга йўналтирилган очиқ дарсларни тўғри баҳолаш учун маҳсус мезон, яъни “Очиқ дарсларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари” ишлаб чиқилиши мавжуд ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди. Бу ўринда очиқ дарснинг сифат даражасини баҳолаш дарс босқичларидан келиб чиқкан ҳолда амалга ошади, яъни дарсни уч катта қисмга ажратиш ва уларга тегишли мезонларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, очиқ дарсларни баҳолашда дарс босқичларидан ташқари, ўқитувчи компетентлигига бериладиган баҳо мезонларининг ҳам инобатга олиниши лозимдир. Очиқ дарсларни баҳолашнинг замонавий талаб ва мезонлари қуидаги босқичлар асосида шаклланиши мақсадга мувофиқдир:

- 1) дарснинг ташкилий қисми;
- 2) дарснинг асосий қисми;
- 3) дарснинг якуний қисми;
- 4) ўқитувчи компетентлиги.

Юқорида санаб ўтилган мазкур босқичлар ўзларининг қуидагича сифат кўрсаткичларини белгиловчи баҳолаш мезонларига эга бўлади:

№	Машғулотга тегишли кўрсаткичлар мазмуни	Ажратилган балл
1	Дарснинг белгиланган вақтдаги бошланиши: Дарс ўз вақтида бошланди. Дарс ўқитувчи айби билан 4-5 дақиқага кеч бошланди.	4 0
2.	Аудиториянинг дарсга тайёргарлиги ҳолати: Аудитория дарс ўтишга тайёр. Аудитория дарс ўтишга қисман тайёр. Аудитория дарс ўтишга тайёр эмас.	2 1 0
3.	Гурӯҳ журналининг расмийлаштирилиш ҳолати: Журнал белгиланган тартибда расмийлаштирилди. Журнал қисман расмийлаштирилди.	2 1

	Журнал расмийлаштирилмади.	0
4.	Давомат кўрсаткичи: 100% 95-99% 90-94% 85-89% 80-84% 80% дан паст	6 4 2 0 -5 -10
5.	Дарс бўйича ўқув-услубий мажмуанинг мавжудлиги: Дарс ўқув-услубий мажмуа асосида олиб борилди. Дарс бўйича ўқув-услубий мажмуа тўлиқ эмас. Дарс бўйича ўқув-услубий мажмуа мавжуд эмас.	4 2 -5
6.	Мавзу бўйича тарқатма материаллар мавжудлиги: Тарқатма материаллар етарли. Тарқатма материаллар етарли эмас. Тарқатма материаллар йўқ.	2 1 0
7.	Дарс мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатининг берилиши: Мавзуга оид адабиётларёзма равишда етказилди. Мавзуга оид адабиётлар оғзаки равишда етказилди. Мавзуга оид ўқув адабиётлар рўйхати берилмади.	2 1 0
8.	Дарс мавзусининг ишчи ўқув дастури ва тақвим режага мослиги: Мавзу ишчи ўқув дастури ва тақвим режага мос келади. Мавзу ишчи ўқув дастури ва тақвим режага мос эмас.	2 0
9.	Дарс бўйича MOODLE платформаси мавжудлиги: Дарс MOODLE асосида олиб борилди. Дарс MOODLE тўлиқ бўлмаган ҳолда ўтказилди. Дарс MOODLE платформаси бўлмаган ҳолда ўтилди.	5 3 0
10.	Мавзу бўйича фактларнинг асосланиши: Хар бир факт асослаб берилди. Хар бир факт қисман асослаб берилди. Берилган фактлар асосланмади.	4 2 0
11.	Мавзунинг ўзлаштирилиш сифатини текшириш: Ўзлаштириш сифати аралаш усулда текширилди. Ўзлаштириш сифати факат оғзаки усулда текширилди.	2 1

	Ўзлаштириш сифати текширилмади.	0
12.	Дарсда талабаларнинг фаоллик даражаси: Талабалар фаоллиги юқори бўлди. Талабалар фаоллиги ўртacha бўлди. Талабалар фаоллиги кузатилмади.	4 2 0
13.	Талабаларнинг дарсни қабул қилиш даражаси: Мавзунинг моҳиятини тўлиқ тушунди. Мавзунинг моҳиятини яхши тушунди. Мавзунинг моҳиятини ўртacha тушунди. Мавзунинг моҳиятини тушунмади.	3 2 1 0
14.	Дарс баёнининг сифати: Дарс диалог шаклида муаммоли тарзда ўтди. Дарс диалог ва қисман диктовка тарзида ўтди. Дарс асосан диктовка тарзида ўтди.	6 3 0
15.	Дарс жараёнининг интерфаоллик даражаси: Дарснинг интерфаоллик даражаси юқори. Дарснинг интерфаоллик даражаси яхши. Дарснинг интерфаоллик даражаси ўртacha. Дарсда интерфаоллик даражаси кузатилмади.	6 4 2 0
16.	Дарсда ахборот технологияларининг қўлланиши: АҚТдан юқори даражада ўринли фойдаланилди. АҚТдан қисман фойдаланилди. АҚТдан умуман фойдаланилмади.	6 3 0
17.	Дарсда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси: Педтехнологиялардан ўринли ва етарли фойдаланди . Педтехнологиялардан қисман фойдаланилди. Педтехнологиялардан умуман фойдаланилмади.	6 3 0
18.	Дарснинг кўргазмалилик (кўргазмали воситалар, электрон досқадан фойдаланиш) даражаси: Дарснинг кўргазмалилик даражаси юқори. Дарснинг кўргазмалилик даражаси ўртacha. Дарсда кўргазмалилик йўқ.	4 2 0
19.	Ўқитувчининг нутқ маданияти даражаси: Ўқитувчининг нутқ маданияти юқори. Ўқитувчининг нутқ маданияти ўртacha. Ўқитувчининг нутқ маданияти паст.	4 2 0
20.	Мавзу бўйича услугий хуносанинг берилиши: Мавзу бўйича асосли хуносалар тўлиқ берилди.	2

	Мавзу бўйича асосли хулосалар қисман берилди. Мавзу бўйича хулосалар берилмади.	1 0
21.	Келгуси дарсда ўтиладиган мавзу ҳақида маълумот берилиши: Келгуси дарс мавзуси бўйича маълумот берилди. Келгуси дарс мавзуси бўйича маълумот берилмади.	2 0
22.	Талабалар билимининг баҳоланиши: Талабалар тўлиқ баҳоланди. Талабалар қисман баҳоланди. Талабалар умуман баҳоланмади.	2 1 0
23.	Ўқитувчи ва талабаларнинг одоби ва интизоми (кийиниш маданияти, кўл телефонларининг ўчирилганлиги ва бошқалар): Ўқитувчи ва талабанинг одоб-интизоми юқори. Ўқитувчи ва талабанинг одоб-интизоми ўртача. Ўқитувчи ва талабанинг одоб-интизоми ёмон.	6 3 0
24.	Ўқитувчининг педагогик маҳорат даражаси: Педагогик маҳорат даражаси юқори. Педагогик маҳорат даражаси ўртача. Педагогик маҳорат даражаси ёмон.	8 4 0
25.	Ўқитувчининг фан бўйича билим даражаси: Билим даражаси юқори. Билим даражаси ўртача. Билим даражаси паст.	6 3 0
	Умумий балл:	100

Олий таълим муассасаларида олиб бориладиган очик дарслар юқорида Келтирилган баҳолаш мезонлари асосида ташкил этилса, уларнинг мақсадли амалга ошиши ва улардан кутиладиган натижа янада самарали бўлиши таъминланади. Бундай замон талабаларига монанд очик дарсларни ўtkазишга, аввало, профессор-ўқитувчининг ўзи тайёр бўлиши лозим. Яъни олий таълимда ишлайдиган ҳар бир профессор-ўқитувчи замон ва ёшлар билан ҳамнафас ҳамда илгор инновацион ғояларни ҳар доим амалиётга тадбик этиши шарт. Зоро, биринчиси Президентимиз И. Каримовнинг “Она юртимиз баҳту - иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобида келтирган “Профессор ва ўқитувчининг обрўси – бу унинг билими ва салоҳияти, талабалар юрагида, қалбида қолдирган ўчмас изи, яхши мутахассис ва шогирдларни тарбиялаши билан ўлчанади”, деган

фикrlари барча педагог-кадрларнинг ўз касбига янада масъулиятли бўлиш вазифасини юклайди.

Назорат саволлари:

1. Қандай дарс турларини биласиз?
2. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик босқичларини изоҳланг.
3. Дарс жараёнида педагог ва талаба мажбуриятлари нималардан иборат?
4. Технологик харита деганда нима тушунилади? Унинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
5. Очик дарсларни кузатиш мезонлари нималарга асосланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони /Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.Б. 4.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиши ва ташкил этиши (2 соат)

Назарий дарс технологик харитаси борасида тушунчалар. Харита ишлаб чиқишининг зарурияти. Хаританинг мақсади ва вазифалари. Дарс самарадорлигига алгоритмларни белгилаш. Педагогнинг муайян дарс учун тайёрлаган технологик харитасининг тақдимоти.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан берилган вазифа бўйича топшириқ бажарилиши, сўнгра харита оғзаки таҳлил орқали шарҳлаб берилиши лозим.

2-Амалий машғулот. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиши масалалари (2 соат)

Тингловчилар гурухларга бўлиниб, ҳар бир гурух берилган вазифа бўйича ўз таҳлилини ФСМУ методи орқали амалга оширади.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар ФСМУ методига асосланиб, хорижий адабиётларни мамлакатимизнинг амалдаги таълим жараёnlарига олиб кирилиши, илғор хорижий методиканинг ўзига хослик жиҳатларини таҳлил қиласидилар. Ҳар бири гурух ўз нуқтаи назарини билдириб ўтганидан сўнг фикр-мулоҳазалар билдирилади, савол-жавоблар қилинади.

ФСМУ методи асосида таҳлил (методнинг мақсади)

- умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқаришга;
 - таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холоса қилишга;
 - талабаларда мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга
- хизмат қиласатади.*

Намуна:

Ўзбекистонда санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий тажрибаларни олиб киришнинг ўзига хослиги

Фан йўналиши бўйича	Таълим йўналиши бўйича	Ижодий изланишларда
хусусиятлари	муаммолари	хусусиятлари
Умумий холоса		

3-Амалий машғулот. Санъатшунослик анъаналари ва етакчи тенденцияларини ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти (2 соат)

Санъатшуносликда янги педагогик технологияларнинг асосий вазифаси – ўқитиш жараёни мақсадларини амалга ошириш ва шахсни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Бу эса нафақат таълим жараёнининг мазмунан янгиланишига, балки педагогик жараённинг асосий бошқарувчиси бўлган ўқитувчи шахси, унинг бошқарув мазмуни ва ҳаракат йўналишига ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритиши, ўқитувчининг ўз устида тинимсиз ишлашини талаб этади. Шунингдек, инновацион ўқитишда билимлар вазифаси ҳам ўзгаради. Яъни, доимий ёд олишдан мантикий фикрлашга, изланишга ўтилади. Бундай фаолият таълим берувчи фаолиятида ҳам, таълим олувчи фаолиятида ҳам ижодкорликни ривожлантиради.


Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар Веер методига асосланиб, Ўзбекистон санъатшунослигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадилар. Ушбу методга кўра масаланинг яхши ва ёмон жиҳатлари таҳлилий кузатилади. Унинг ёрдамида тингловчилар янги педагогик технология воситасида муайян масалани турли ракурсларда таҳлил этиш имкониятига эга бўладилар. Гурухлар ўз фикрларини баён қилганликларидан сўнг саволлар берилади, ўзаро фикр алмашинади.

Веер методи асосида таҳлил (методнинг мақсади)

- мавзунинг турли тармоқлари бўйича ўрганиб, ҳар бирини алоҳида аспектларда мухокама этишга;
- муаммонинг барча кирраларини атрофлича тадқиқ қилишга;
- талабаларда танқидий, таҳлилий, мантикий фикрлашни ривожлантиришга;
- мустақил фикр ва гояларини тизимли баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга

имконият яратади.

Намуна:



V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1. “Тунда очик”

Тавсвирий санъат оммаболигини янада ошириш туфайли ушбу соҳадаги қўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни Тейт Модерн галереяси учун муваффақиятли ўтди. Мазкур кампанияни 2002 йил март ва май ойларида Лондоннинг 8та галереясидан иборат бирлашма ўтказди. Галереялар кампанияда ўзларига хос вазифаларни белгилаган бўлсалар хам, лекин барчалари қуидаги мақсадларга ўз дикқат эътиборини қаратдилар:

- тунги соатларнинг узайтирилганлиги хақида кўпроқ ташриф буюрувчиларни хабардор этиш;
- кечки соат 6 дан кейин ташриф буюрувчилар сонини ошириш;
- галереялар хақидаги “зерикарли ва жонга теккан жой” деган тассавурни ўзгартириб, галереялар - ижтимоий хаётнинг бир қисми сифатида каби концепцияни таклиф этиш;
- ташриф буюрувчилар завқ оладиган алоҳида бир тадбирлар, маъruzалар, сафар, жонли ижро, ресторан, бар ва харидлар каби фаолиятлар доирасини ОАВда ёритиб бориш.

Баъзи бир галереялар, хусусан В&А галереяси тунги соатларгача икки йил мобайнида ишлаб келган ва 1500 -2000 га яқин тунги ташриф буюрувчиларни жалб этган. Бошқалари эса, масалан Миллий Портрет Галереяси хафтасига икки тун очик бўлиб, бир йил мобайнида ишлаган эди, унга 300-400га яқин одам кечқурун ташриф буюрган. Далвик Тасвир Галереяси ўз тажрибасида тунги ташрифларни ҳеч қачон қўлламаган ва бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдириди.

Кампания учун мақсадли гурух этиб 25-34 ёшли санъатдан хабардор ёки мутахасис, Лондонда яшайдиган ёки ишлайдиганлар танлаб олинди. Ушбу сегментни жалб этиш учун “Санъатни севасанми?Ундан завқ

ол....Кечроқ.” шиор ишлаб чиқилди. Ушбу шиор реклама бренді сифатыда юракча шаклдаги ширилникларга бириктирилди. Ҳар бир галерея хақида маълумот, унинг жорий кўргазмалари ва кеч тунгача очиқлигини ёритган 190000та рисола нашр этилди. 66000таси Лондон ва Вест Эндга дистрибьютер агентлиги томонидан тарқатилди. Қатнашувчи галереялар ҳар бири 8000тасини тарқатди, қолгани эса *Time Out* журналига илова қилинди. Журнал ўқувчилари мақсадли аудиторияга ёши, ҳаёт тарзи каби кўрсаткичлари билан тўғри келди. Ушбу харакатлар орқали 89%га ўсиш кузатилди.

Рисолада галереяларда очилган тунги барлар хақида тафсилотлар, хусусан Абсолут водка ҳомийлигидаги Лове Арт ароғидан коктейли бепул таклиф этилиши берилди. Абсолут бренд танланган ташриф буюрувчилар аудиториясига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари *Time Out* ҳар хафта тунги барларни реклама қилиб, газетхонларга маҳсус чегирмаларни таклиф этиб борди.

Кампания харажатлари қатнашчилар ўртасида тақсимланиб, 1400 фунт стерлингга teng бўлди. Асосий харажатларни рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш ташкил қилди. *Time Out* газетаси ҳомийлигига 21000, Абсолут бренд томонидан эса 8000 фунт стерлингидаги харажатлар қопланди.

Хеюард Галереясида очилган биринчи тунги бар биринчи тундаёқ ўртacha сондан анча кўп бўлган ташриф буюрувчилар -300тасини жалб этди. Миллий Портрет Галереясига эса 800га яқин мижоз келди. Хаттоқи энг паст рейтингда бўлган Далвик Тасвир Галереясига 200та одам келди.

Кампания тугаганидан сўнг натижа қўплаб галереяларга шундай сақланиб қолди. Масалан Миллий Портрет Галереясига ташриф буюрувчиларнинг сони ўсиб борди ва хозирда тунги ташриф 1000 дан ортиқ бўлиб турибди. *Манбаа: Marlow, 2001.*

Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргалиқдаги харакатида қандай афзalликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?
2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишида қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал мижозлар билан узок муддатли муносабатларни ўрнатишида қандай фойдаланиш мумкин?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу кампания ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки бепул ичимликка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

Кейс №2. “Халл Трак” театри томошабинлари

Тадқиқотлар охириги 2 йил мобайнида Халл шахрининг театрга борувчи аҳолисидан фақатгина ярми Халл Трак театрида бўлганлигини кўрсатди. Бунга қараганда 10тадан 9таси шаҳар марказида жойлашган дастури турли туманлиги билан ажralиб турадиган Халл Ню Театрига бориши аниқланди. Йилда театрга уч ва ундан ортиқ марта борган ташриф буюрувчиларнинг сони чоракдан кўпроғини ташкил этди, уларнинг орасида ҳеч қайси Халл Трак театрида бўлмаган. Томошабинларнинг учдан бир қисми “юксак” санъат шаклларидағи замонавий драмаларни кўришни хуш кўришар экан ва улар орасида Халл Трак театрига борганлар аниқланмади.

Халл Тракнинг тахлил этилган жорий томошабинлари театр ташаббускорлари, доимий ва турли театрларга борувчилар деб топилди. Улар театрни асосан кечқурун боришга яхши жой деб, театрга бориш уйдан ташқарида овқатланишга бориш сафари сифатида қабул қилишар экан. Уларнинг ёши 25-44 ёшда.

Бунга қиёсан, янги потенциал томошабинлар (тетрга борувчи лекин Халл Тракка бормаганлар) хақиқатдан театрга қизиқувчилар бўлмаган. Улар янгиликни излайдиган ва тажриба сифатида қабул қиласидан инсонлар тоифасидан.

Ташриф буюришга таъсир этиши. Тадқиқот сўровномаси иштокчилари бўйича Халл Трак театрига бориш учун қандай омилларга боғлиқлиги аниқланди. Театрга борувчиларнинг ярми шаҳар марказидаги янги бино ўзига жалб этишини таъкидладилар. Танаффусда томошабинлар дам оладиган хона ёки зал, бар кафеларниг мавжудлиги ёшроқ томошобинларни жалб этиши мумкин. Жон Годбер Жоҳн Годбер бадиий директорининг маҳсулоти кўпчиликка ёқиши эътироф этилди. Лекин кўрсатувларнинг янги шаклларини таклиф этиш тавсия этилди.

Маркетинг натижалари. Халл Трак театри маркетинг коммуникациясидаги камчилик потенциал бозорни чуқурроқ ўрганилмаганлиги кузатилди. Театр томошобинлари театр дастурларидан театр томонидан юборилган хатлар, тез тез ташриф буюрувчилардан хабардор бўлиб туришар экан. Айримлари маҳаллий газеталарда берилган маълумотлар билан қизиқиб турар эканлар. Ёшлар эса асосан интернетдан.

Саволлар

1. Халл Трак театри ўз миссиясини оширишда қандай мақсад ва вазифаларни белгилашини таклиф қила оласиз.
2. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қандай стратегияларни ишлаб чиқасиз. Ушбу стратегияларни тадбиқ этиш учун маркетинг тактикасини ишлаб чиқинг.

-
3. Ушбу режаларни ишлаб чиқишида маълумотлар рўйхатини тузинг.
Агарда Сиз Театр маркетинг менежери бўлсангиз ушбу маълумотлар
етарлича бўлармиди?

Манбаа: Wҳитеҳеад, 2000. Репродусэд шитҳ кинд пермиссион.

Кейс №3. Опера ҳамкорлиги

Сидней Опера Хаус бутун дунёда машхур бўлган замонавий архитектура дизайнидаги бинолардан бирида жойлашган. Опера Хаус ташкилий ривожланиш инноватори сифатида унинг ижрочи директори Майкл Линк тўрт йиллик бошқаруви остида шаклланди.

Линк Австралия Кенгашидаги театр менежментида миллий санъатни қўллаб қувватловчи инновацион шахс сифатида эътироф этилиб 1998 йилда Австралия тасвирий институтини бошқарувини олди. Унинг бошқарув фаолияти Опера Хаус учун икки муҳим тарихий воқеалар – Янги йил ва 2000 йил Сидней Олимпиадасига тўғри келди. Бундай ҳодисалар ташкилот учун иш жараёнининг янги ёндашувларини талаб этарди ва Линк Операни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришга аҳд қилди. Ушбу атама америкалик менежмент намояндаси Питер Сенж (Петер Сенге) томонидан 1990 йилда “Бешинчи Фан” китобида ёритилган бўлиб, унга биноан ташкилот инсонлар каби тизимли равишда ривожланиши ва тажриба алмашишлари лозим. Албатта унинг афзаллиги бир бутунлигига, ўрганиб бориш эса ташкилот муҳим фаолиятларидан бири сифатида ташкилий қувватни оширишда катта кучдир. Бошқача қилиб таъкидланганда эса, “унинг аъзолари жамоавий хабардорлик ва унумдорликни кучайтириш ва қўллаб қувватлашга доимий диққат эътиборини қаратиб турадилар ” (Сенге эт ал., 1994). Опера Хаусда муваффақиятга эришиш йўли барча ходимларни ушбу йўналишга қўйиш деб белгиланди. Линк буни қуйидагича изоҳлади: “Опера Хаусда ишлар қандай бажарилишига бутун штатни жалб этиш ёндашувини биз қабул қилдик. Натижа –бу иш жойи бўлиб, бу ерда ташкилот ривожи учун ҳар бир ходим ўз хиссасини қўшиш учун ваколат олган. Бу шахснинг ўсиши учун кўмакловчи иш жойи бўлиб, бунда инновациялар, маҳоратни кўрсатиш, “буни қила оламан” деган хатти харакат тан олинади ва рағбатлантирилади”.

Ушбу жараёнинг бош ғояси турли соҳаларни қамраб олувчи лойиха гурухининг ташкил топиши бўлиб, унга тажрибаси ва функционал асоси ҳар хил бўлган ҳамкасабалар киритилди.

Уларнинг вазифаси муассасанинг 2000 йилга тайёр бўлиши, яъни компьютерга мувофиқлик ва товар ва хизматларга янги солиқлар билан танишиш. Шу билан бирга маданий ўзгаришларга бўлган зарурат масаласи муассасанинг турли бўлимлари ва поғоналари томонидан ўртага қўйилди. Концепция Командаси деб ном олган ушбу ишчи гурух эътиборини


муассасанинг ўзини ҳамда бу ердаги ҳар бир шахсни такомиллаштиришга қаратди.

Натижада, Сидней Опера Хаус бугунги кунда нафақат Австралияда, балки халқаро даражадаги етакчи институтдир. “Ўрганувчи ташкилот”ни ривожлантириш натижаси сифатида амалга ошган бир қатор тадбирларни кўриш мумкин: Реал (Релатионшип, Эмпошэрмент анд Леадершип), яъни Ўзаро муносабатлар ўрнатиш, Ваколат бериш ва Лидерлик қилиш – ички кадрларни ривожлант ириш дастури бўлиб, лидерлик ва билимларни бутун Хаус бўйича тарқатишга қаратилди. Тадбиркорликга тўлиқ мос келадиган ишлаб чиқаришга асосланган мутахасисликларни таклиф этишга лойик Рўйхатдан ўтган Таълим Муассаси сифатида аккредитация қилинди (шу билан бирга Буюк Британиянинг Миллий Касб хунар Квалификация тизимига ҳам мос).

“Мусиқа, театр ва хореография, ҳамда кўнгил очар тадбирлар бизнес соҳасида Австралиянинг аборигенлари учун имкониятлар яратиш кейинги мақсадимиз”, деб Линк Янги Шарқий Уэлс штатида бўлиб ўтган Санъатни ўргатиш бўйича конференцияда гапириб ўтди. Опера Хаус хозирда аборигенларга ўқув дастурларни таклиф этмоқда ва мунтазам равишида Австралиянинг замонавий абориген санъаткорларнинг қобилиятларини кўрсатиб келмоқда. Ушбу конференцияда: “Бу бинода ўтирибмизки, бизлар улкан билим афзалликлари, катта интеллектуал капиталга эга бўлиб турибмиз. Уни капиталга айлантириш зарурати олдимизда турибди, бизлар одамларимиз ва тажрибаларимизни қўллашимиз учун бор имкониятларимизни ишга туширишимиз керак ва бутун Осиё кейинчалик дунёning бошқа жойларида ҳам ушбу имкониятларимизни кўрсатмоқчимиз.”

Саволлар

1. Сизга таниш санъат муассаси хақида ўйлаб кўринг. Уни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришда қандай қийинчиликлар мавжуд қандай уларни бартараф эта олади?



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ўзбекистон санъатшунослик фанининг пайдо бўлиш омиллари
 2. Санъатшунослик фани методологиясининг ўзига хослиги
 3. Санъатшунослик фанларида замонавий тенденциялар
 4. Ўзбекистон санъатшунослигига илмий мактаблар
 5. Санъатшунослик фанларида инновацион технологиялар
 6. Дарснинг технологик харитаси яратишнинг афзалликлари
 7. Талабалар билимини баҳолаш методикаси
- **Мустақил ишларнинг конкрет мавзулари** топшириқ берилиши жараёнида ҳал қилинади. Бу педагог билан ўзаро мулоқотда, талабанинг қизиқишиларини ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.
 - Шунингдек, жорий театр репертуардаги спектаклларни, бадиий фильмларни оғзаки баъзан эса ёзма таҳлил қилишга эътибор қаратилади.

VII. ГЛОССАРИЙ

Инглиз тилидаги	Термин	Ўзбек тилидаги
Theatre	Театр –	Театр – (юн. сўз бўлиб, томошагоҳ деган маънони англатади). Санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйинижараёнида юзага келадиган саҳнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, ҳалқ ҳаёти, тарихи, дунёқарashi акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади. Театр синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг

		маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меморлик ажралмас бирликини ташкил этади. Театр – санъатнинг муҳим бир хили бўлиб, у қадимги Гречияда туғилди.
Decoration	Театр декорацияси санъати,	сценография – тасвирий санъатнинг театр санъати билан боғлиқ соҳаси; декорасия, лиbosлар ёруғлик, сахна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (қўриниши)ни яратиш санъати.
Music	Театр мусиқаси –	1. кенг маънода - барча мусиқали (опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мусиқали комедия, водевил, мюзикл ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа. 2.тор маънода – драматик театр спектакль (драма, комедия, трагедия)лари мусиқаси
Analysis	Таҳлил –	a. сўз бўлиб, тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш деган маъноларни англатади). 1. Нарса, ҳодиса ва шаклларни моҳият, конуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. 2. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни

		маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. 3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш. 4. дин. Дафн маросими олдидан марҳум тепасида давра олиб, тиловат қилиш.
Theatre Science	Театршунослик –	театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган. Театршунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўйса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусиқали драма, болалар театри, қўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорасия санъати, театр либоси ва пардози, сахна ҳаракати, ҳаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.
Subject	Сюжет	(фр. ва лот. сўз бўлиб, предмет, мазмун, моҳият, нарса деган маъноларни англатади). 1.Бадиий асарда, фильмда воқеа-ходисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни. 2. Тасвирий санъатда: тасвир обьекти, предмети. Сюжет –бадиий асар мазмунини ташкил

		этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими.
Acting technique	Актёрлик санъат	санъат яратиш сасна қиёфаларни (ролларни) театрда томошаларнинг тақдимотчилари
Atmosphere	Атмосфера	хаяжонли бўяш ҳар кимнинг харакатлари, саҳнанинг, эпизода, боғлиқ бўлган тавсия этилаётган ҳолатлар, воқеаларданги тугун, низони, темпо-ритма, "донлар", боғлиқлиги харакати ва фаолият юритувчи шахсларда уни феъл-авторини, ёрдам беради.
Proscenium	Авансцена—саҳна	олди, даҳлиз бир бўлак саҳнанинг, бир қанча намойиш этилган томоша зали. (Рампа). сифатида ойин учун белгиланган майдонча саҳна олди кенг фойдаланилди опер ва балет спектакль драматик театрларда саҳна олди хизмат қиласи. Асосан жой харакатлари учун катта бўлмаган саҳналар олдидаги ёпик парда.
Allegory	Аллегория—киноя	тасвир энг яхши фоялар ёрдами билан образ мазмун аллегории фарқдан кўп мазмунли рамзий бир

		маънодан ва бошқа қиёфа ; алоқа орасидаги мазмуни изҳор қилиш.
Type, theatrical character	Амплуа— ўхшаш	феълига кўра ролини, тегишли маълум актёра (актрисалар) томонидан бажариладиган ролларнинг типи.
Atellana	Ателлана-ателлана	(қадимги рим халқ томошаси; одий халқ ҳаётини тасвирловчи қисқа саҳна асари)
Analysis	Анализ (разбор)	таҳлил, анализ; таҳлил қилиш.
Annotation	Аннотация-аннотация	(қисқа қайдлар, китобнинг қисқача мазмуни)
Ballad	Баллада-	(лирик-эпик поэзиянинг бир тури)
Ballet	Балет-балет	(театр санъати турларидан бири); рақсга асосланган мусиқали-драматик саҳна асари)
Properties	Бутафория—саҳнадаги	ясама жиҳозлар қалбаки фанлар (хайкалтарошлиқ, мебель, идиш, безаклар ва бошқалар. Асар воқеаларини очишга ёрдам берувчи нарсаларни.
Buffoon	Буффонада	кулгили театр томошаси қабул қилиш, фойдаланилаётган театрда ; асосан ташқаридан қараганда комик бўрттириб юбориш, баъзида тартибли ҳаракатларни, кўринишлари

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council

Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. Абдуллаев М. С. Хоразм амалий безак-санъатининг ривожланиш тарихи (XVI аср – XX аср бошлари). Дисс автореферати. –Т; 2018. 5 бет.
33. Тургунова Н.М. Наманган яллачилик санъати анъаналари. Дисс автореферати. Дисс автореферати. –Т.; 2018 й. –55 бет.
34. Мамажонов З. Мумтоз шеърий санъатларнинг назарий таснифи. Ўкув-қўлланма. –Т.; “Академнашр”. 2018. –174 бет.
- 35.** Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. –459 p.
36. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.
37. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015 у.
38. Benjamin Grosbayne. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011 у.
39. Janet Pillai. Learning with Intangible Cultural Heritage for a Sustainable Future. UNESCO, 2015 у.
40. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, Paris, 2014 у.
41. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2014 г.
42. Унгбоева Б.Ў. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати тарихи. Дисс автореферати. –Т.; 2018. –55 бет.
43. Павленко А. Теория и театр. –СПб, Наука. 2006. –218 с.
44. Метляева Т.В. Актёрское мастерство и режиссура. Учебное пособие. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011. - 104 с.
45. Акбаров X. Акбаров X. Кино ва телевидение: креатив таълим жараёни. – Тошкент: Musiqa. 2012. - 271 б.
46. Акбаров X. “Тоҳир ва Зухра”– кино дурдонаси. –Тошкент: F.Ғулом нашриёти, 2016. – 200 б.
47. Железняков В. Анатомия зрительного образа. –М.: Союз кинематографистов РФ. 2012. – С.114.
48. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. –Ташкент: San`at, 2016. –С.216.

IV. Электрон таълим ресурслари.

- 49.** www.ziyonet.uz
50. www.edu.uz
51. www.infocom.uz
52. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
53. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
54. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
55. www.gov.uz
56. www.dsni.uz
- 57.** www.dsni.kz
58. www.unesco.org/culture/ich
59. www.ichcap.org
- 60.** www.nmm.uz
- 61.** www.natlib.uz